Чекмасдан ёпилик ташлашни суринг

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида Тошкент шаҳри ва вилояти мактабларида шундай ном остида тажриба тариқасидаги тарбиявий дастур бошланди. Ташаббускори Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон қўшма корхонаси бўлган ушбу дастурни республика Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» жамғармаси ва «Оила» илмий-амалий маркази қўллаб-қувватлади.

Алишер РЎЗИЕВ

Ўзбекистон АҚШ учун муҳим шерик

Ўтган ҳафтада АҚШ Конгресси биносида Америка ташқи сиёсати институти ва Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси билан ҳамкорликда уюштирган «АҚШнинг Ўзбекистондаги геостратегик манфаатлари» мавзуидаги конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида АҚШ маъмурияти, Давлат департаментининг расмий намояндалари, етакчи олимлар, дипломатик корпус, ишбилармонлар ва АҚШ оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияда АҚШнинг Марказий Осиё давлатлари сиёсий ва иқтисодий ривожланиши ҳамда улар мустақиллигининг мустаҳкамланишидан манфаатдор экани таъкидлаб ўтилди. Конференция иштирокчилари, бугунги кунда, янги геосиёсий вазиятда, Ўзбекистон АҚШ учун муҳим шерикка айланиб бораётганини таъкидладилар.

Вашингтонда бўлиб ўтган конференция АҚШнинг сиёсий, таҳлилий ва ишбилармон доираларнинг Ўзбекистонга, мамлакатимиздаги ички ўзгаришларнинг суръати ва характерига, иқтисодий ислоҳотлар ривожига, мустақил Ўзбекистоннинг давлатлараро сиёсатига қизиқишлари ошиб бораётганини кўрсатди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги

«Ижтимоий инновация маркази»

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида «Ижтимоий инновация маркази» фаолият кўрсата бошлади. Ёш олим ва мутахассислар ташаббуси билан ташкил этилган бу марказ АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги, Евроосиё жамғармаси томонидан техникавий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Шу боисдан, ижтимоий-ҳуқуқий масалалар юзасидан аҳолига бепул маслаҳатлар бериш бошлаб юборилди.

Даврон БАҲРОНОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 1 октябрь, пайшанба • № 117 (23.354).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Сиз озод юртнинг энг азиз, энг улуғ ва мўътабар кишиларидансиз!

Ўзбекистон маърифат аҳлига

Муҳтарам устозлар! Қадрли мураббийлар!

Сизларни қутлуғ байрам — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этаман.

Халқимиз сизларнинг мўътабар сиймоингизда миллат келажаги учун толмай хизмат қилаётган, мустақил фикрлайдиган, иродаси бақувват, имони бутун, Ватани ва халқига фидокор комил инсонларни вояга етказишдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этаётган заҳматкаш ва фидойи инсонларни кўради.

Мен фарзандларимиз Сиз берган билими, Сиз парваришлаган истеъдоди билан янги асрда ҳам Ўзбекистон номини улуғлашларига, бутун имкониятларини буюк аждодлари анъаналарини давом эттириб, устозлари ишончини оқлашларига қатъий ишонаман.

Халқимизда «Устоз — отангдан улуғ» деган нақл бор. Бу мураббийларга бўлган юксак эҳтиром, иззат-икром ва беқиёс қарздорлик ифодасидир. Зотан, Сиз озод юртнинг энг азиз, энг улуғ ва мўътабар кишиларидансиз.

Азиз ватандошлар!

Бугунги умумхалқ байрами билан сизларни яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда ривож, оилангизга бахт-саодат тилайман.

Ҳар бирингизнинг хонадонингизга шодлик ва иқбол ҳамиша ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, устоз! *Шавкат АКРАМОВ олган сурат*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ҳ. С. Караматовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Ҳамидулла Саъдуллаевич Караматов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. А. Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этиш тўғрисида

Алишер Аббосович Азизхўжаев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Республика таълим тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Республикамизда таълим тизимини ривожлантириш, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш, ёшларда мустаҳкам билим, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни маърифатли бўлишга ундаш, Ватанга ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Ашуралиев Холмўмин — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 8-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Бобохўжаев Иброҳим — Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 7-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ваҳобова Маъсуда Ваҳобовна — Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 10-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Зуннунов Асқар — Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бош илмий ходими

Мавланов Раҳмон — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 17-мактабнинг физика ўқитувчиси

Маманов Маматқул Хамидович — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Мирзаев Воҳиджон — Андижон шаҳридаги 27-мактабнинг география ўқитувчиси

Муқимов Саид Қодирович — Бухоро шаҳридаги 6-мактабнинг физика ўқитувчиси

Саидмамедова Марьям — Урганч шаҳридаги 11-мактабнинг математика ўқитувчиси

Турсунходжаева Наима — Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 25-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Тўраев Хайрулла — Жиззах вилояти Фориш туманидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

Файзиев Рамзиддин — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Юсупова Ширмон — Фарғона шаҳридаги 15-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Якубов Исмаил — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 61-мактаб директори

Қурбонов Язнон — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 30-мактабнинг математика ўқитувчиси

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Ачилов Отажон Салаевич — Хоразм вилояти Питнак шаҳридаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ашралиева Назира Турдалиевна — Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 5-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Бўранов Суван — Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 5-мактабнинг математика ўқитувчиси

Воҳидова Мавжуда Мустапақуловна — Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 216-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Гадилова Фавзия Сулеймановна — Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 7-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

(Давоми 2-бетда)

«Умид» — яхши ният дегани

АҚШ университетларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг билими МДҲдаги бошқа мамлакатлардан келаётган тенгдошларидан анча баланд экан. Бу — Американинг АКСЕЛС ташкилоти ижрочи директори, профессор Ден Девидсоннинг хулосаси.

Ўзбекистон Республикасидан жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юртларига юборилаётган йигит-қизлар танлови жуда мураккаб. Бундай мартабага эришишнинг ўзи осон иш эмас — танловда Американинг АКСЕЛС, Британия Кенгаши, Германиянинг ДААД сингари нуфузли ташкилотларининг вакиллари иштирок этади. Номзодлар чет тиллар бўйича мураккаб тест синовларини топширади, ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича компьютерда имтиҳон топширади, сўнгра турли-туман суҳбатлардан ўтади. Барча синовлардан муваффақиятли ўтганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Умид» жамғармасининг грантини олади. Жамғарма 1997 йил январь ойида ташкил этилган эди. «Умид»нинг асосий вазифаси истеъдодли ёшларни топиб, энг яхши хорижий ўқув юртларида ўқитиш, янги дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни республика таълим тизимига жорий этиш, жаҳондаги етакчи илмий марказлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари жуда кўп илм-фан ва маданият арбобларини етказиб берган замин ўзининг бундан буёнги обрў ва келажагини ҳам ўйлаши керак. Айнан ҳозирги ёшлар сиёсий, иқтисодий ва маданий масалаларини ечади, ўз давлатининг тақдирини ҳал қилади.

«Умид» жамғармаси атиги бир йил ичида ўзининг нимага қодир эканини кўрсатди. АҚШдаги Йель, Браун, Эмори, Вартон, Рочестер университетлари, Мерцалл институти, Англия, Германия, Франция, Япония ўқув юртларида таҳсил кўраётган талабалар эришган муваффақиятлар шундан далолат беради. Улар асосан иқтисодиёт, халқаро ҳуқуқ, информатика, компьютерлаштириш, қишлоқ хўжалиги, экология, сув тизимларини бошқариш сингари соҳаларга ихтисослашмоқда.

— 1997 йилда жамғарма стипендияти бўлган 15 нафар йигит-қиз таҳсилни муддатидан олдин тугатиб, юртимизга бакалавр ҳамда магистр даражасини олиб қайтди, — дейди «Умид» жамғармасининг ижрочи директори М. Раҳимов. — Сиракуз университетини тугатиб қайтган Анвар Абдуллаев, Жон Маршалл ҳуқуқий мактабини битирган Жуманазар Султонов ва Хуршид Тожиев шулар жумласидандир. 1997 йилда 157 нафар йигит-қиз грант эгаси бўлган бўлса, бу йил республика Президентининг кўрсатмасига биноан, уларнинг сони 500 нафарга етди. Юқорида тилга олинган мамлакатлар қаторига Италия ҳам қўшилди. Ихтисослар сони ҳам кенгайди: энди ўзбекистонлик ёшлар кон ишлари, машинасозлик, қурилишда менежмент, саноат дизайни ва меъморликни ҳам ўрганади, хориждаги энг яхши саноат мактабларида таълим олади.

«Умид» — ёш авлоднинг ёрқин келажаги, бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг ёрқин келажагига ишонч ҳамда яхши ният дегани.

Валерий БИРЮКОВ

Тошкент.

(«Труд» газетасининг 1998 йил 30 сентябрь сонидан олинди).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Тинчлик йўлида ҳамкорлик

Президент Имомали Раҳмонов билан Бирлашган тожик мухолифати раҳбари, миллий тотувлик бўйича комиссия раиси Саид Абдулло Нурий узоқ муддатли учрашув давомида тинчлик жараёнини тезлаштиришга бағишланган қатор янги чораларни белгилаб олишди. Давлат раҳбарининг матбуот котиби Зафар Саидовнинг айтишига кўра, учрашув давомида қўшма баёнотга имзо чекилди. Унга кўра, икки томон ҳам вазиятни барқарорлаштириш учун 10 та бўлимдан иборат ҳаракат дастурини тасдиқлашди.

Сим орқали мулоқот

Россия Президенти Борис Ельцин Германиянинг янги сайланган канцлери Герхард Шредер билан сим орқали мулоқот ўтказди. Икки раҳбар яқин келажакда Москвада учрашишга қарор қилишди. Президент Ельцин Шредерни ўтган якшанба куни умумий сайловларда қозонган ғалабаси билан табриклади ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни давом эттиришга ишонч билдирди. Илгари Шредер Гельмут Колни Москва билан муносабатларни яхшилашга қаттиқ эътибор берганлиги учун танқид қилган эди. Борис Ельцин эса бундан бир неча кун аввал Гельмут Коль билан сим орқали суҳбатлашиб, Россия — Германия ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун унга ташаккур изҳор этди.

Маош ошади, лекин бу қувонч келтирмайди

Арманистон ҳукумати мамлакатда энг кам маош миқдорини беш баравар оширишга ваъда қилди. Лекин бу арман халқига қувонч келтирмайди. Гап шундаки, кеча энг кам маош минг драм, яъни 2 АҚШ долларига тенг эди. Энди эса, маош миқдори 10 долларга етади. Ўз-ўзидан тушунарлики, бу маблағ яшаш учун етарли эмас. Ишсизлик кўпайиб бораётганлиги туфайли аҳвол янада мушкуллашади. Яқинда мамлакатнинг энг йирик электр техника заводи тўхтаб қолди. 500 дан зиёд ишчи ва хизматчи маош тўланмайдиган таътилга чиқариб юборилди. Россияда ишсиз қолган кўпгина арманистонликлар ҳам ўз ватанига қайтди. Бироқ, улар Арманистонда нимага суянадилар, буни ҳеч ким билмайди. Россиядаги молиявий инқироз Арманистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатганлиги сезилиб турибди.

Косоводаги қотилликлар

Би-Би-Си журналистлари косоволик альбанлар оммавий қирғин қилинганлиги ҳақидаги рад этиб бўлмайдиган ҳужжатларни қўлга туширдилар. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, қотилликни Сербия полицияси амалга оширган. 14 киши пичоқ зарбидан яраланди. Ёки миясидан ўқ еди. Икки киши бошсиз қолди. Фақатгина онасининг бағридаги чақалоққина омон қолди.

Амазонка соҳилидаги инқироз

Лотин Америкасининг иқтисодий жиҳатдан бақувват мамлакати бўлмиш Бразилия шу йилнинг август ойидан бошлаб жаҳон молиявий тизимида энг бўш бўғинлардан бўлиб қолди. Айни пайтда Президент ва қонун чиқарувчи органларга бўладиган сайловлар олдидан, мамлакат халқаро валюта жамғармаси ҳамда саноати ривожланган мамлакатлар билан инқирозга қарши имкони бор чораларни кўриш юзасидан музокаралар олиб бормоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шу йилнинг 1 августидан 24 сентябригача бўлган қисқа муддатда 30 миллиард долларлик хорижий капитал мамлакатдан чиқиб кетди. Айни кунларда кунига 500 миллион доллар хорижий валютадан жудо бўлинмоқда.

АҚШ ҳам хорижий мутахассисларга муҳтож

АҚШ яқин уч йил ичида юқори малакали компьютер техникаси мутахассисларига визалар беришни икки бараварга ошириш ҳақида эълон қилди. Талабни қондириш учун Американинг компьютер фирмаларига қисқа муддат ичида 300 минг компьютерчи ва дастурчи зарур. Ҳозир АҚШ хорижлик малакали мутахассисларга 65 мингта виза бермоқда. Бу соҳадаги қонунчиликни юмшатиш учун компьютер фирмаларининг раҳбарлари Президент маъмуриятига ва Конгрессга жиддий таъсир кўрсатишди. Натижада Оқ уй ва Конгресс ушбу соҳадаги мутахассисларга қўшимча равишда яна 145 минг виза берилишига келишиб олишди.

«Обуна-99»

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ДОИМИЙ МУХЛИСИМИСИЗ?

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмидингиз?

— Жамоангизда неча киши меҳнат қилади? Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Қаҳрамон СИДДИҚНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти Давлат акционерлик корпорацияси бошқаруви раиси:

— Албатта, ўтган йили ва ундан олдинги йиллар ҳам қадрдон «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлган эдик.

— Корпорация тизимида юз мингга яқин киши фаолият кўрсатмоқда. Газетангизнинг доимий мухлиси сифатида келгусида ҳамкорликда вилоятлардаги автомобиль корхоналарида «Ўзбекистон овози» ижодкорлари, журналистлари билан учрашувлар, ошкора мулоқотлар ўтказиб турсак мақсадга мувофиқ иш бўлур эди.

Нашр индекслари:

«Ўзбекистон овози»
якка обуначилар учун — 220
ташкилотлар учун — 221
«Голос Узбекистана»
якка обуначилар учун — 121
ташкилотлар учун — 122
«Осиё бозори»
якка обуначилар учун — 174
ташкилотлар учун — 175

«Обуна-99»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Республика таълим тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Исаев Аваз — Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 8-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Йўлдошева Муҳаррам — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 30-мактабнинг география ўқитувчиси

Низаматдинова Кумшагул Уснатдиновна — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги 3-мактабнинг физика ўқитувчиси

Пименова Лидия Викторовна — Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 1-мактаб-гимназиясининг бошланғич синф ўқитувчиси

Раҳимов Ҳошим — Фарғона вилояти Риштон туманидаги 14-мактабнинг химия ўқитувчиси

Сатторов Муҳамамади— Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 2-лицей-интернатининг математика ўқитувчиси

Собурова Зуҳра Ҳалиловна — Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 1-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси

Соловьева Татьяна Демьяновна — Тошкент шаҳар М. Улуғбек туманидаги 50-мактаб-гимназиясининг физика ўқитувчиси

Тешабоев Абдурасул — Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

Тўраев Шодмон — Қарши шаҳридаги 8-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Тўраев Эшбой — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 34-мактабнинг математика ўқитувчиси

Туропова Машкура — республика таълим марказининг Маънавият ва қўшимча таълим бўлими бошлиғи

Хожиев Бошмон Сайдуллаевич — Жиззах вилояти Арнасой туманидаги 8-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Элов Болта — Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 8-мактабнинг математика ўқитувчиси

Курбаниязова Карима Зариповна — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 8-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ҳайдарова Гулсора Муллажоновна — Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 15-мактабнинг физика ўқитувчиси

Ёшларнинг иқтидори ва истеъдодини юксалтириш, уларни илғор маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган қилиб тарбиялаш йўлидаги фидокорона хизматлари ҳамда Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Алиев Дилшод Иномджанович — Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 8-мактабнинг араб тили ўқитувчиси

Алтмишов Мустафо Шайзақович — Жиззах вилояти Зомин туманидаги 36-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Аминов Алимбой — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 12-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ахмедова Венера Шамилевна — Андижон вилояти Баликчи туманидаги 39-мактабнинг математика ўқитувчиси

Байраева Сапаргул Азизовна — Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 266-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Бекназаров Файзулло—Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 23-мактабнинг математика ўқитувчиси

Жораева Айдин Рустамовна — Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 15-мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси

Зарипова Галина Зайдуловна — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ибрагимов Низом — Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 5-мактабнинг тожик тили ва адабиёти ўқитувчиси

Имга Алла Леонидовна — Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Исаева Елена Викторовна — Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 3-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Истахарова Татьяна Борисовна — Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 158-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Катяров Мустафа Джафарович — Фарғона вилояти Қува туманидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ким Гера Алексеевна — Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 2-мактаб директори

Ким Неля Петровна — Фарғона шаҳридаги 18-мактаб директори ўринбосари

Ким Светлана Николаевна — Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 291-мактабнинг математика-информатика ўқитувчиси

Колесникова Маргарита Исааковна — Бухоро шаҳар Тўқимачилик туманидаги 21-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Коротков Василий Дмитриевич — Навоий вилояти халқ таълими бошқармасининг назоратчиси

Лян Федор Алексеевич — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар Ёш техниклар ижодий маркази авиа-ракетомодель тўгараги раҳбари

Муҳаммедов Саврон — Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 10-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Муҳамедов Николай Идиатович — Тошкент шаҳар М. Улуғбек туманидаги 171-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Муқимов Турсунмурод — Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 13-мактабнинг физика ва астрономия ўқитувчиси

Муҳамедшина Софья Габдуллаевна — Наманган вилояти Давлатобод туманидаги 5-касб-ҳунар мактабининг ишлаб-чиқариш таълими устаси

Норжигитов Бозорбой — Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 43-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Петряева Галина Николаевна — Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги 107-мактабнинг география ўқитувчиси

Пушкарев Виктор Арсеньевич — Тошкент шаҳар олий спорт маҳорати мактабининг теннис бўйича катта мураббийси

Садуева Людмила Степановна — Тошкент вилояти Бўка туманидаги 15-мехрибонлик уйининг тарбиячиси

Семикова Валентина Петровна — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 93-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ступаченко Людмила Алексеевна — Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳридаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Узахбаева Шырынкул Маханбетиярована — Навоий вилояти Томди туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хадиева Анастасия Егоровна — Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 23-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хожаназаров Турганбай Пердебаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 34-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Эсанов Равшан — Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 33-мактабнинг тожик тили ва адабиёти ўқитувчиси

Эшимбетов Сапарбой — Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 10-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Ямкулина Лидия Гатовна — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 89-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Курбонова Марҳабо Адҳамовна — Тошкент вилояти Пскент туманидаги 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Миллий истиқлол мақсади ва ғояларини рўёбга чиқарадиган соғлом авлодни вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, кучли ҳамда соғлом инсонлар қилиб тарбиялашдаги шарафли меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

I-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдурахманова Мукамбархон Қодирхоновна — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 38-мактаб директорининг ўринбосари

Аноркулова Ҳакима Назаровна — Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги 3-болалар боғчасининг тарбиячиси

Астанакулова Салимахон Астанакуловна — Андижон вилояти Асака тиббиёт коллежи директори

Аҳмедова Хасият Маматовна — Наманган педагогика билим юрти директори

Ганиева Маҳфуза Холовна — Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Пахтаой» болалар боғчасининг тарбиячиси

Зияева Мавлюда Фатхуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт билим юртининг директори

Зулунов Эркинжон — Андижон вилояти Бўз туманидаги 6-мактабнинг биология ўқитувчиси

Икромова Муборак Ҳасановна — Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Куляпина Людмила Ивановна — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 460-болалар боғчасининг катта тарбиячиси

Лукмонова Истода Низомовна — Самарқанд шаҳридаги 11-мехрибонлик уйи тарбиячиси

Матназарова Рано — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 13-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Миржалилова Сабоҳат Сагатовна — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Қувонч» боғча-гимназия комплексининг директори

Муйдинова Анорхон Рустамовна — Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 5-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Набиева Мовлуда — Наманган вилояти Поп туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Олимова Зумрадхон Фасиҳидиновна — Андижон вилояти Кўрғонтепа туманидаги 12-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Отақулова Бубиайша Отақуловна — Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 34-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Панина Алла Ивановна — Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 68-махсус мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси

Примқулов Тоғай — Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 24-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Саидалиева Ҳидоят — Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Сапарова Базаргул — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 7-болалар боғчаси мудираси

Седунов Валерий Владимирович — Фарғона вилояти Марғилон шаҳар футбол мактабининг мураббийси

Узақов Бахтиёржон Пўлатович — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 35-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Халмуратов Орынбай — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳридаги 4-махсус мактаб-интернатининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хамзаева Галина Мамедовна — Тошкент шаҳар қўшимча таълим комплексининг директори

Ходжамова Шапокат — Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 18-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Эрматов Шавкат Хорунбоевич — Фарғона вилояти Марғилон тиббиёт билим юрти директори

Курбонова Ойдин Курбоновна — Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Қуёш» болалар боғчаси мудираси

II-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдалимов Избосар Бўронович — Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати директори

Абдиназарова Сафия Чариевна — Қашқадарё вилояти Баҳористон туманидаги 12-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Абдукаримов Машарип Жуманиязович — Хоразм вилояти Хонқа тумани бизнес мактаби директорининг ўринбосари

Абдуллаева Махират Иботовна — Навоий вилояти Навоий туманидаги «Қалдирғоч» болалар боғчасининг тарбиячиси

Абдурахманов Тўлқин Асқарович — Тошкент педагогика коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Абдурахманова Шарофат Мадазимовна — Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 42-мактабнинг биология ўқитувчиси

Акбарова Шоҳида — Фарғона вилояти Данғара туманидаги «Зумрад» болалар боғчасининг бош тарбиячиси

Аҳмедов Самад Рахматович — Бухоро вилояти Жондор туманидаги 12-мактабнинг физика ўқитувчиси

Жиянмуродова Ойсара — Сирдарё вилояти Ш. Рашидов туманидаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Жумаев Халил — Бухоро тиббиёт билим юрти директорининг ўринбосари

Исломов Абдикарим Акабурович — Бухоро вилояти Олот туманидаги 14-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Калмуратов Пердегали Даулеталиевич — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 3-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Каримова Дилбар Хожимуҳамедовна — Наманган вилояти Чуст туманидаги 8-болалар боғчаси тарбиячиси

Каримова Моҳидил Исмоиловна — Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Рўзметова Минавара — Хоразм вилояти Хива шаҳридаги 8-болалар боғчасининг мудираси

Таджиахмедова Ҳалимахон Иргашевна — Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 40-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ташмуҳаммедов Холмурат — Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги жисмоний тарбия мактаб-интернатининг мураббийси

Тожибоева Ибодатхон — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 31-мехрибонлик уйининг бошланғич синф ўқитувчиси

Тошпўлатов Асқар Исматович — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 1-мактаб директори

Убайдуллаева Ойсара — Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 44-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси

Федосеева Елена Юнусовна — Самарқанд шаҳри Боғишамол туманидаги 1-махсус мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хажиев Комолбой — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳридаги 5-мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси

Хакимова Рахима — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 19-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Хўрозов Холмурод — Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 16-мактабнинг биология ўқитувчиси

Холмуродов Абилқосим Бойжуродович — Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 62-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

Худойбердиев Мамарасул — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 19-мактабнинг биология ўқитувчиси

Хуррамов Маматқул Назарович — Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги 8-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Хушмирзаев Бохрамжон — Андижон вилояти Избоскан туманидаги 14-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Юнусов Шомурот Юнусович — Охунбобоев номли Республика тиббиёт билим юртининг ўқув бўлим мудири

Ўсиб келаётган ёш авлодни ўз юртидан фахрланиш, Она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда юксак инсоний, миллий қадриятлар ва маънавий ғояларни тарғиб қилишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Абдуалимов Алохон — Наманган вилояти Наманган туманидаги 36-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Абдуганиева Меҳринисо Саттаровна — Самарқанд вилояти Челак туманидаги 4-мактабнинг расм-чизмачилик ўқитувчиси

Абдумажидова Муқаддас Кўчқаровна — Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 16-мактабнинг география ўқитувчиси

Абдумаликова Тўхтахон — Сурхондарё вилояти Денов бизнес мактабининг махсус фан ўқитувчиси

Амонкулов Пўлат Турсунқулович — Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 71-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Арапова Галина Сергеевна — Фарғона индустриал техникумининг махсус фан ўқитувчиси

Ахмаджонов Баҳодир — Андижон вилояти Асака туманидаги 43-мактабнинг математика ўқитувчиси

Бекниязов Даулетнияз — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги 11-касб-ҳунар мактабининг махсус фан ўқитувчиси

Бердиева Ойсулув — Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 3-мактаб-боғчасининг бошланғич синф ўқитувчиси

Бердиқулов Ёдгор — Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 21-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Бобоева Собира Ҳасановна — Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги «Умидли ёшлар» лицей-интернатининг химия-биология ўқитувчиси

Бобожонова Татьяна Евгеньевна — Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 15-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Болтабоева Мақсудахон—Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

Вафоев Миржон — республика мусиқа тарбияланувчилари мактаб-интернатининг мусиқа ўқитувчиси

Ганиева Ҳурмат — Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 234-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Гаффаров Итолмас — Наманган санъат билим юрти ўзбек халқ чолғулари бўлимининг ўқитувчиси

Генжемуратова Аманбике — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги 3-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Гойипова Назокат Сафаровна — Қашқадарё вилояти Касби туманидаги «Гулдаста» болалар боғчаси мудираси

Дадахўжаев Мелихўжа Муборович — Тошкент вилояти Паркент туманидаги 11-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Ёркинбоева Ҳабибажон — Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 27-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Жавлонов Анвар — Сирдарё вилояти Оқолтин туман халқ таълими бўлими назоратчиси

Жамолиддинова Саломатхон — Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани 27-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Жўрабоев Иброҳимжон Турсунқулович — Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицей директори

Жўраев Аҳмаджон Мамаджонович — Наманган вилояти Наманган туманидаги Ёш техниклар марказининг тўгарак раҳбари

Жўраев Равшан — Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 17-мактаб директорининг ўринбосари

Жўракулов Самат Ҳайдарович — Самарқанд темир йўл билим юртининг махсус фан ўқитувчиси

Имамов Иргаш — Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг биология кабинети мудири

Исакова Ғазинахон — Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 2-мактабнинг химия ўқитувчиси

Камолова Моҳира Деҳқоновна — Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

Каримов Бахтиёр Рауфович — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 138-мактабнинг математика-информатика ўқитувчиси

Каромов Амрилло Ражабович — Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 7-касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Кенжаев Абдужалил Абдумажидович — Андижон вилояти Избоскан туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Мавлонова Мунира Тўрақуловна — Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги 19-мактаб директорининг ўринбосари

Матъякубов Эгам — Хоразм вилояти Хива тумани касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Маҳамадиев Жума — Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 34-мактабнинг расм-чизмачилик ўқитувчиси

Махсумова Азиза Набижоновна — Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Фароғат» боғча-гимназиясининг мудираси

Меникулова Парда бувиш Азизбековна — Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги 1-мактабнинг биология ўқитувчиси

Мирзаматова Хасиба Ўринбоевна — Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 3-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

Мўйдинова Муҳаббатхон Ахмаджоновна — Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги 27-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Ниёзов Ражаб Бозорович — Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги Ибн Сино номли мактабнинг математика ўқитувчиси

Низомов Шернияз — Навоий вилояти Конимех туманидаги 9-мактабнинг география ўқитувчиси

Нуъмонхўжаев Абролхўжа Султонхужаевич — Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги лицей директори

Облоев Нурулло — Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 49-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Одилова Зайнаб Шамсиевна — Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ойхўжаева Қўйсин — Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Останов Садат Эшқобилович — Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 74-мактабнинг биология ўқитувчиси

Отениязова Бибигул — Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатоу туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Палуаниязов Искендер — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай агросервис коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Раслова Дилором — Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 21-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Саидқулова Гулсара Сафармуротовна — Термиз шаҳридаги 2-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Саидов Бахтиёр Мадаминович — Хоразм вилоят педагог ходимлр малакасини ошириш институтининг география бўлими мудири

Сатторов Раҳмонжон — Фарғона вилояти Қўқон сервис ва тадбиркорлик коллежи директори

Серова Ольга Ивановна — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 3-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Султонов Сўлмас Йўлдошевич — А. Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи директори

Ташева Татьяна Мадҳидовна — Самарқан шаҳар саноат коллежи директори

Тўрабоева Комилахон — Андижон вилояти Андижон туманидаги 30-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Тўраева Пардахол Муродуллаевна — Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 5-болалар боғчасининг тарбиячи-услубчиси

Тогыбаева Кенже — Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 6-мактабнинг қозоқ тили ўқитувчиси

Тожиев Абдуманоп — Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги 22-мактабнинг физика ўқитувчиси

Ўсаров Салохитдин — Навоий вилояти Нурота касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Усмонова Зибинисо — Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Баҳора» болалар боғчасининг мудираси

Хасанова Меҳринисо — Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 42-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси

Холбоев Ўролбой Сафарович — Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 26-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Холмуротова Муяссар Тоировна — республика ўқувчилар саройининг бўлим бошлиғи

Чориева Моҳира Тўхтамишовна — Қарши шаҳридаги 1-гимназиянинг инглиз тили ўқитувчиси

Шералиев Рашидхон Мажидович — Наманган вилояти Уйчи туманидаги 24-мактабнинг биология ўқитувчиси

Шерматов Раҳматжон Алматович — Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 37-мактабнинг биология ўқитувчиси

Шоймардонов Маҳмамурод — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 56-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

Шокиров Нуриддин Зиёевич — Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 24-мактабнинг география ўқитувчиси

Шукурова Ғулнора Маманазаровна — Қарши шаҳридаги 29-мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси

Эгамбердиев Бегназар — Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги 23-мактабнинг расм-чизмачилик ўқитувчиси

Элмуродов Ёрмуҳаммад Усмоналиевич — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 3-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Эралиева Гулнора — Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги 3-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Юлдашева Хосият Эргашевна — Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 15-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Юлдошева Бувигул Ҳожимуротовна — Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 29-мактабнинг математика ўқитувчиси

Юнусова Гавҳар Абдуллаевна — Урганч шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Қамбаралиева Азадахон Нурматовна — Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги И.Охунов номли мактаб-лицейининг химия-биология ўқитувчиси

Қаратаев Оразбой — Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Кўчқаров Сагдулло Кўчқарович — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 55-мактаб директори

Куронбоева Шодмоной — Хоразм вилояти Шовот туманидаги 31-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Ҳайдарова Мопар — Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 60-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ҳайдарова Нурия Бекпулатовна — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 35-мактабнинг биология ўқитувчиси

Ҳайтбаев Аллаяр — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 3-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Ҳамидов Рашид Ҳамидович — Тошкент шаҳар қурилиш касб-ҳунар мактабининг ўқитувчиси

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республикада таълим тизимини ривожлантиришдаги юксак хизматлари, ёшларга билим ва тарбия бериш, касб маҳоратини ўргатиш, уларни халқимизнинг асрий анъаналари ва қадриятларига садоқат руҳида, ғоявий баркамол ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Азимов Саидмалик Акбарович — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 104-махсус мактаб-интернатининг меҳнат ўқитувчиси

Алиев Мамат — Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги 11-мактаб директори

Аликулов Жўракул — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 11-мактаб директорининг ўринбосари

Бобоназарова Санобар — Наманган вилояти Наманган туманидаги 8-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Муродов Ҳотам — Навоий вилояти Нурота туманидаги 2-мактабнинг география ўқитувчиси

Мўминов Турди Муродович — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 12-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Мўминова Ҳалима Абдуллаевна — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 21-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Солиева Фарида Исмоилжоновна — Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 17-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Тошбеков Қодир — Жиззах вилояти Фориш туманидаги 30-мактаб-интернатининг тарих ўқитувчиси

Тўрабеков Мирзакул — Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 5-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хожиқурбонов Турдали — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 19-мактабнинг биология ўқитувчиси

Юлдашева Ҳайтгул — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 30-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси

Курбонов Раҳмат — Бухоро вилояти Когон туманидаги 8-мактабнинг химия ўқитувчиси

Курёзов Собир — Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 17-мактабнинг химия ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Абдуҳолиқов Валижон Абдураимович — Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 7-мактабнинг математика-информатика ўқитувчиси

Алимова Гуландон Яҳъёевна — Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи

Бахромов Ўлмасжон Турдиевич — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 4-мактабнинг биология ўқитувчиси

Боҳодиров Ёқубжон Азимович — Андижон вилояти Жалолқудуқ туман халқ таълими бўлими услубчиси

Джуманиязова Алтин — Нукус шаҳридаги 3-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси

Джураева Маръям Юлдашевна — Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Достонова Яқутхон — Наманган вилояти Норин туманидаги 23-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Зоҳидова Саноат — Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 29-мактабнинг математика ўқитувчиси

Иргашева Назира Шамсиевна — Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 23-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Исмоилова Раъно — Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 15-мактабнинг химия ўқитувчиси

Каттаев Неъмат — Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 37-мактабнинг география ўқитувчиси

Мельник Галина Демъяновна — Қорақалпоғистон Республикаси «Прогресс» тиллар ўрганиш марказининг инглиз тили ўқитувчиси

Сапаев Қурбонбой — Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 8-мактабнинг математика ўқитувчиси

Смольникова Людмила Леонидовна — Навоий шаҳридаги 16-мактаб директори

Ўрмонова Диляра Аҳмедовна — Наманган вилояти Давлатобод туманидаги Навоий номли гимназиянинг инглиз тили ўқитувчиси

Хасанова Зилайхо — Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги кўзи ожизлар мактаб-интернатининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Холматова Мабура Давроновна — Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 21-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Холмуродов Нормурод Болта ўғли — Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 9-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Худойбердиева Тожихол — Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Лола» болалар боғчасининг мудираси

Чимкатова Носира — Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

Шарипова Мавлуда Ганиевна — Тошкент Давлат техника университети қошидаги лицей-интернатининг математика ўқитувчиси

Шафиев Марат — Халқ таълими вазирлигининг Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи

Шералиева Раҳбарой — Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 21-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Эназаров Саврожон — Фарғона вилояти Сўх туманидаги 1-лицей-интернатининг тожик тили ва адабиёти ўқитувчиси

Эргашева Куконтош — Самарқанд вилояти Ғўзалкент туманидаги 31-мактабнинг физика ўқитувчиси

Эшмуродов Холмурод — Қашқадарё вилояти У. Юсупов туманидаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Қодирова Тожихон — Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 7-мактабнинг физика ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Абдикаримов Сахи — Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги 3-мактаб директори

Агзамов Абдулазиз Агзамович — Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 243-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Алланазаров Муҳаммади — Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 143-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Аҳмедов Салоҳиддин — Тошкент агротижорат коллежининг бўлим мудири

Бақоева Олия Ахмеджоновна — Бухоро вилояти Пешку туманидаги иқтидорли болалар мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси

Ботиров Машрабжон — Андижон вилояти Шахрихон туманидаги 22-мактаб-лицейининг директори

Воҳидов Искандар Раҳмонович — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 3-гимназия мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Галкин Владислав Николаевич — Миллий хавфсизлик хизмати институти «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори

Имамджанов Ибрагим Аҳмеджанович — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Йўлдошев Холтўра — Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Казакбаев Азат — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 6-мактабларарo ишлаб чиқариш комбинати ўқитувчиси

Кушбаев Тўйчи — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 3-мактабнинг ёшларни чақириққача тайёрлаш ўқитувчиси

Мадиев Абдугани — Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги 22-мактаб директорининг ўринбосари

Мещерякова Раиса Дмитриевна — Фарғона шаҳридаги 21-мактабнинг география ўқитувчиси

Норматов Эсонали Аҳмедович — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 2-лицей-интернатининг физика ўқитувчиси

Отабоев Ирисбой — Наманган вилояти Косонсой туманидаги 24-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!

Она юрт ва унинг кечмиши ҳақида Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов билан Ғаффор Ҳотамов суҳбати

3. Тарихга янгича муносабат зарурати

— Абдулла ака, суҳбатимиз умрбоқий маънавий мерос, ўни яратиб қолдирган улуғ салафлар, демак, бевосита тарихга келиб тақалди.

Муҳтарам Президентимиз тарихчи олимлар билан бўлган суҳбатда тарихга янгича муносабатни шакллантириш, шундан келиб чиқиб халқимиз ва миллий давлатчилик тарихини тиклаш билан боғлиқ масалаларни кун тартибига қўйдилар. Бу — келажак билан боғлиқ катта ҳаётий зарурат, албатта.

Тарихни тиклаш жараёнида, ҳеч шубҳасиз, мана шу музофот кечмиши билан боғлиқ саҳифалар салмоқли ўрин тутади. Чунки Қарши чўлларида милоддан аввалги иккинчи асрдаёқ ҳайбатли канал қазилганлиги, саҳрога сув чиқарилганлиги айрим манбаларда қайд этиб ўтилган. Шунингдек, Нахшаб ва Ерқўрғондан топилган ва жуда қадим даврларга дахлдор бўлган ҳайкал ва ноёб тангалар, сопол буюмлар ҳам мавжуддир.

Ёхуд мана шу — Шарафуддин Али Йаздий «Каши дилкаш» дея эркалаган, «гардун Муҳандиси мунча ёши билан ҳеч бир ерда мундоқ шаҳар ва кўшк кўрмаган», деб мартабасини улуғлаган қадим Кешнинг ўзини олиб қарайлик, бу кўҳна шаҳарда ҳам маданий ҳаёт бир неча минг йиллар аввал бошланган ва бунга тарих гувоҳлик беради.

Ҳазрат соҳибқирон шу жойдан қуёшдай балқиб чиққанки, бу ҳам бежиз бўлмаса керак?! Кейинчалик у зоти шариф: «Шак келтирсанг валийлик, кароматимизга, Келиб боққил тикламиш иморатимизга!» — деб комил ишонч билан пештоқига ёздириб қўйган мана шу Оқсарой-чи?!

Ахир, у ҳам не-не сиру синоатларни юрагига жо қилган, тарихнинг тилсиз бир гувоҳи-ку! Шавкати етти иқлимга таралган соҳибқирон бобомиз ҳаётининг чақмоқдай чақнаган лаҳзалари мана шу ерда кечган. Мана шу ерда у зот жабрдийда юртни мўғуллар исканжасидан холос қилиш, миллат ва элатлар бошини бириктириш, қудратли салтанат тузиш ҳақида ўй ўйлаган, шунга яраша куч йиққан, кейин довруқли юришлар, муҳташам қурилишлар ва адолатли сиёсат билан мамлакат шавкатини жаҳонга таратган. Жаҳон тарихида «Темурийлар Ренессанси» деган тушунча ҳам мавжудки, анчайин гап эмас бу?..

— Ҳар гал шу қадимий шаҳримизга келганда юрагимдан бир туйғу ўтади — модомики, халқимиз ўзининг бой ўтмиши билан ифтихор қилиб, унга таяниб туриб келажак сари қадам ташлаётган экан, шу йўлдаги маънавий таянчлардан бири, ҳеч шубҳасиз, Шаҳрисабздир. Тўғри, оламда қадимий шаҳарлар кўп, бироқ Шаҳрисабзнинг ўрни бўлакча, сабабким, халқимизнинг энг муҳташам фарзандларидан бири бўлмиш ва шубҳасиз, энг муҳташам соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг бешигини тебратган шаҳар бу. Агар унинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, гарчи бошқа тилларда ижод қилишган бўлса-да, туркий улусдан тарқалган ва мана шу юртнинг зурёди ҳисобланган жаҳон шеъриятининг султонларидан бири бўлмиш Хисрав Деҳлавий, жаҳон шеъриятининг гултожларидан бўлмиш Мирзо Абдулқодир Бедил, шарқ ғазалиётининг энг беназир вакили Мирзо Ғолиб каби не-не муборак зотлар ҳам бир-бир хаёлдан ўтади. Кейин яна шу хаёлдан ўтадики, бу буюк шаҳарнинг таъриф-тавсифи Мир Алишер Навоий ҳазратлари ижодида алоҳида ўрин тутган. Сабабким, Навоий бобомиз Самарқандга ўтаётиб ҳам, қайтаётиб ҳам шаҳри Кеш, яъни Шаҳрисабзда бўлган ва энг гўзал байтларини, достонларидаги кўркам қиссаларни қадим шу шаҳар билан боғлаб ижод қилган.

Президентимиз тарихга янгича муносабатни шакллантириш ҳақида олимлар билан ўтказган ўша суҳбатда таъкидлаганлари каби, энди биз Ўзбекистоннинг ҳақиқий, ҳаққоний тарихини яратишга эришишимиз керак. Тарихни қайта тиклашда яқин ўтмишда бўлгани каби ғаразли сиёсий найрангбозликлар маҳсули бўлган хомхаёл ва сохта ҳукмлар, турли миш-мишлар, ҳар хил гумон ва тахминларга асосланиб эмас, балки мавжуд асл манбаларга таяниб иш кўриш лозим. Шундай асл манбалардан бири, ҳеч шубҳасиз, мана шу — бизнинг қадимий шаҳримиз — Шаҳрисабздир. Қаранг, қад кериб рўпарангизда Оқсарой турибди. Шу Оқсаройнинг таъриф-тавсифини келтириш учун Ғарб ё Россия тарихчилари китобларидан кўчирмалар келтириш шартми ўзи? Ахир, Оқсарой шундоқ кўз олдимизда турибди-ку, унинг тарихи қўлимизда-ку, уни таъриф ва тавсиф қилиш, қадрлаш, энг аввало, ўзимизнинг ишимиз эмасми, ахир?! Асл манба қўлимизда-ку!

Мана шу Оқсарой теграсини ўрганиш жараёнида нақшинкор мармар саҳн очилган. Ҳозир ҳам турибди улар, ажабким, жуда фусункор: мовий рангдаги нақшинкор мармар тахтачаларга нақд очилиб турган лўппи пахтанинг тасвири солинган. Тўғри, пахта — бизнинг миллий бойлигимиз, лекин бундан олти юз йил муқаддам, ҳали пахта сиёсати ер юзида пайдо бўлмасидан аввал, ҳақиқатан ҳам у миллий бойлигимизнинг бир тимсоли эканлигини боболаримиз зийраклик билан пайқаган-ку?! Шунинг учун ҳам улар Оқсарой нақшларига бошқа бир неъматнинг эмас, балки пахтанинг суратини солишган.

Мен нима демоқчиман?

Биз тарихнинг қайси бир жабҳасига назар ташламайлик, унинг асл манбалари мавжуддир, шундай манбаларнинг аксарияти, жумладан, Шаҳрисабзда ҳам йўқ эмас!

Президентимизнинг асл манбалар асосида ҳаққоний тарихни яратиш ҳақидаги кўрсатмасини амалга ошириш жараёнида қадимий шаҳарларда, жумладан, Шаҳрисабзда ҳам қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп, атамалар бор, номларни ўрганиш воситасида ойдинлашадиган ҳақиқатлар бор; археологлар бор, уларнинг топилмаларидан келиб чиқадиган хулосалар бор; бир буюм топилса, уни қўлтиқлаб Москвага олиб бориб: «Мана шу кўзачанинг ёши нечада экан?» — деб сарғаядиган, «улуғ оға»ларимиз: «Хўш, бу кўзачага неча ёш берсак, сиёсатга тўғри келади ўзи?» — дейдиган замонлар абадий кетди энди. Аждодларимиздан қолган топилдиқларнинг асл ёшини энди ўзимиз белгилаймиз, албатта, илмий асосга таяниб, демак, асл тарихимизни энди ўзимиз яратамиз.

Соҳибқирон бобомиз, шунингдек, темурийзодалар фақат Шаҳрисабз, Самарқанд ёхуд Бухорода маданий тараққиёт белгиси бўлган кошоналар қурган эмас, улардан қолган мўътабар излар, юртбошимиз айтганларидек, дунёнинг тенг ярмида ҳануз сақланиб турибди. Уларни холис ўрганиш, фақат биз учун эмас, балки жаҳон тарихи бус-бутунлигини таъминлаш учун ҳам зарур, деб ўйлайман.

4. Тарих манфур сиёсат корандасига айланганда...

— Тарих халқнинг изчил давом этадиган, абадиятга дахлдор ўлмас хотирасидир. У ҳозир биз учун мана шу Оқсарой каби ярим нураган ҳолида кўриниш бериб турибди. У нега шу ҳолга тушган? Аслида маҳобати қандай бўлган? Буни бир бутун ҳолида тасаввур қилиш учун, табиийки, юлдузларга туташ бу муҳташам қаср барпо этилган давр, шундан буён ўтган йиллар ҳақиқатини бус-бутун тиклаш лозим бўлади. Бу, албатта, шу соҳанинг пири бўлган фидойиларнингина қўлидан келади, холос. Биз — оддий одамлар эса, йўлда келаётган йўловчиларга ўхшаймиз, кўз билан кўриш мумкин бўлган уфқларнигина илғаймиз, холос, ундан наридаги сиру синоатни кўриш учун қанча анжом керак, юлдузларни кузатиш учун устурлоб керак, Улуғбекнинг зеҳни, муҳаббати керак бўлади...

Яқинда шу тобгача ихлос билан қараб келган бир рус тарихчисининг китобини қайта мутолаа қилиб, шуни англадимки, у бизни мўғуллардан келиб чиққан, кўчманчи, демоқчи бўлади, айни пайтда ота-боболаримизга нисбатан ерга ёпишган халқ («земле поклонялись как матери») деган сифатни қўллайди. Ҳолбуки, бу — моҳият эътибори билан бир-бирини инкор этадиган фикрлар, кўчманчи ерга меҳр қўйиши асло мумкин эмас ва ҳоказо.

Биз аввал ҳам шундай ҳолатларга кўп рўбарў келганмиз, аммо эътиборсиз муносабатда бўлганмиз. Президентимиз тарихчи олимлар билан ўтказган суҳбатда бизни ҳушёр торттирди, гўё кўз олдимизни тўсиб турган пардани олиб қўйдилар.

Нега биз ўзимиз шу ҳақда олдин ўйлаб кўрмадик? Ахир, бу фарзандларимиз, миллатнинг қисмати, Ватаннинг дунёвий мавқеи билан бевосита боғлиқ тарбиявий-сиёсий масала-ку?!

— Албатта, бу очиқ-ойдин руҳиятимизда яшаб келган қуллик, маънавий мутелик асоратидир. Айтиш керакки, яқин ўтмишда ҳам, Президентимиз ўша суҳбатда таъкидлагани каби, ҳақиқатни рўй-рост айтишга интилган зиёлилар бўлган, шулардан бири академик Яҳё Ғуломовдир. У кишининг айрим хулосалари мустабид сиёсат ва унинг дастёрига айланган илмга мувофиқ келмаган, шунда домлани анчагина олиб бориб — олиб келишганига



бизлар гувоҳмиз. Ёхуд академик Иброҳим Мўминовни олиб кўрайлик. Соҳибқирон Амир Темур тарихига оид ҳақиқатнинг бир учини юзага чиқаргани учун бу фидойи устоз ур калтак-да-сур калтак қилингани барчамизга аён-ку.

Афсуски, илм ўша даврда сиёсатнинг корандасига айланиб қолган эди. Сув бошида ўтирган сиёсатчилар илмга интилган ташналабларга: «Агар, сен бизнинг хулосамизни айтсанг, айтдинг, йўл сеники, бўлмаса, кун йўқ, мартаба ҳам йўқ, кандидат ҳам, доктор ҳам бўла олмайсан!» — деган мазмундаги шартларни дангал қўйишган. Иккинчидан, худди шу сиёсатнинг қурбони бўлган кўпгина олимлар: «Дунёнинг бор ҳақиқати шу экан-да ўзи!» — деган хулосага ҳам, албатта, келишган.

Шу ўринда, табиийки, тарихимизнинг ҳаққоний манзараларини ифодалаб берган олимлар дунёда йўқмиди, деган савол келиб чиқади. Бундай тарихчилар мавжуд эди — чет элларда, дейлик, Францияда, Германияда, Англияда ва бошқа жойларда. Лекин уларнинг тадқиқотлари бизгача етиб келмаган, аниқроғи, бу хулосалар биздан яширилган. Чунки уларда шаҳарларимизнинг ёши улуғлиги, ўтган буюк алломаларнинг дунёвий шавкати, обрў-эътибори, буюк хизматлари очиқ-ойдин кўрсатилган. Ҳатто одам боласини назар-писанд қилмайдиган қадимий Римда Ибн Сино номи билан аталадиган муҳташам кўча бор, мен ўша замонлар шу кўчани айланиб юриб, «Шу зотнинг ҳамюртиман-а!» — деб ифтихор қилганман. Агар шу ҳақиқатлар маълум қилинса, халқимиз қўни-қўшни босқинчиларга нисбатан ўзи обрўли ва салоҳияти эканлигини англаб етар эдики, оқибатда: «Нега энди биз ўзимиздан бир неча поғона, бир неча бош паст бўлган кимсаларга қуллик қилар эканмиз?!» — деган табиий савол ва ғашлик туғилар эди.

Шунинг учун ҳам илмга сиёсат зўравонлик билан аралашди, тўла бўлмаса-да, лекин етмиш фоиз уни итоат эттирди, бир халқни улуғлаш иккинчи бир халқни камситиш ҳисобига бўлганлиги учун тарихда чалкашликлар, сохталиклар, уйдирмалар пайдо бўлди. Тарихга ва динга, тарихий шахсларга, миллий қадриятларга муносабат кескин равишда тескари тус олганлиги учун, ўзингиз яхши биласиз, на Амир Темур, на Баҳоуддин Нақшбанд, на Аҳмад Яссавий, на ал-Хоразмий, на ал-Фарғоний, на Имом Бухорий салоҳияти эътироф этилган эмас, аксинча, ҳатто, улар инсониятнинг душмани, деб сиёсат қилишгача бориб етилди. Ҳолбуки, улардан бири дунёни ҳайратга солган жаҳонгир, бири алгебра фанининг отаси, яна бири эса ҳадис илмидаги Амир ул Мўминийн бўлган. Шулар туфайли юртимиз муҳаддислар мамлакати деб улуғланади, шулар туфайли башарият: «Олам сиз эга бўлган билимлар туфайли анчагина олга силжиган», деб бизга иззат ва икром кўрсатади. Ҳолбуки, бу муборак зотлар, улар яратган мерос фақат истиқлол туфайлигина халқимизга қайтди, бугун ҳеч кимга сир эмас бу!

Яқин ўтмишга назар ташласак, бағримиз туз сепгандай ачишади. Биз билган, билмаган не-не зотларнинг истеъдоди сиёсат қурбони бўлиб кетмади. Не-не азизлар халқнинг кўзига ўгай ёхуд душман қилиб кўрсатилмади, ахир?!

Куни кеча Президентимиз Ватан қалқони тимсолига айланган мислсиз баҳодир ва қудратли султон Жалолиддин Мангуберди мартабасини асл тарихий мақомига кўтариш вазифасини илгари сурдилар.

Албатта, ҳар биримиз яқин ўтмишнинг энг қаро кунларида толеимизда орият қуёшидай балқиб турган бу мумтоз сиймо, улуғ бобомизнинг дўсту ғаним тугул, ҳатто Чингизхонни ҳам ҳайратга солган маҳобатли жасорати, Ватан шарафи йўлидаги ҳиммат ва матонати ҳақида ички бир мамнуният, ифтихор билан ўйлаганмиз ва шундан кўнглимиз қувват олган.

Чунки ўз ҳаётида тенгсиз ватанпарварликни мужассам этган саркарда бу. Бундай ёрқин сиймолар жаҳон тарихида камдан-кам учрайди. Аммо яқин-яқингача бу муборак зотнинг ҳайратомуз қаҳрамонлиги ҳақида оғиз очиш мумкинмиди, ахир?!

Сени Чингиз ғазабга тўлиб,
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.
Жалолиддин самани бўлиб,
Сакраб ўтдинг Амударёдан.
Сенсан, ўшал саманим маним —
Ўзбекистон, Ватаним маним...

Жалолиддин Мангуберди салтанати, жасорати ва шон-шуҳрати яқин ўтмишда унинг ўзига соя солиб турди. Қисматнинг бундай истеҳзосига гирифтор бўлган улуғ салафлар, минг афсуски, халқимизнинг қадим тарихида ез эмас.

Дейлик, Бобораҳим Машраб, бу мумтоз шоиримиз ҳақидаги кечаги гапларни бир четга қўйиб турайлик, ҳатто ҳозир ҳам айрим ҳангоматалаб олимлар: «Машрабнинг ўзи ким эди, даҳриймиди ёхуд диндормиди?» — деган мужмал саволларни кўндаланг қўйишади. Чунки, Машрабни, унинг мафкурасини, у яшаган даврни кўпчилик мукаммал билмайди, ҳатто ҳозир ҳам...

Ҳолбуки, унинг қисмати — улуғ Шекспир ёзиши мумкин бўлган фожеий асарга асос беради. Нодира ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин...

Ёхуд ўтган шоҳларимизга, Заҳриддин Муҳаммад Бобурга муносабат-чи? Амир Темур бобомизга муносабат-чи? Хоразмшоҳларга муносабат-чи?

Ёхуд Султон Ҳусайн Бойқаро-чи, тўғри, у мураккаб шахс бўлган, ўттиз саккиз йил подшоҳлик қилган, бироқ шу давр ичида у бирон-бир мамлакатга қўшин тортиб борган эмас. Албатта, бу шахс ҳаётида чигалликлар, ўрта аср шоҳларига хос чекланишлар бор, аммо ўтган мафкура даврида Алишер Навоий ҳазратларини юксакликка кўтариш, синфийликни бўрттириб кўрсатиш учун унга зид бир салбий образ керак бўлди ва бу «оғир» юмуш Бойқаро ҳазратларининг бошига тушди. Бугун тарихчилар, манбашунос олимлар бу зотнинг шахсияти, фаолиятини тадқиқ этиши ва тугал бир хулосага келишлари лозим, албатта. Мен нима демоқчиман, аввалги сиёсат манфаати учун не-не тарихий сиймолар, Оқсаройга ўхшаш не-не обидалар ноҳақ «қурбон» бўлиб кетмади, ахир?!

Миллий озодлик ҳаракатини олиб кўрайлик, босмачилик, деб аталди, тўғри, уларнинг орасида ҳар хил каллакесар, турли-туман зўравонлар ҳам бўлган, бироқ қилаётган ишию олиб бораётган курашининг асл моҳиятини теран идрок этган, ниҳоятда салоҳиятли шахслар ҳам бу сафда мавжуд эди-ку?! Улар Ватан озодлигини жонидан азиз билган, шунинг учун ҳам ўзларини фидо қилганлар!

Тарихга янгича муносабатни шакллантириш жараёнида ана шу шахслар фаолиятига янгича кўз билан қараш, адолатли баҳо бериш керак бўлади. Табиийки, эҳтиросларга берилмасдан, бошқа халқларни ерга урмасдан, миллий ғурурни байроқ қилган ҳолда мавжуд ҳақиқатни жой-жойига қўйишимиз керак. Шу маънода ҳар бир кўчанинг, маҳалланинг, гузарнинг, даҳадан тортиб ҳар бир кўприк, ҳатто қудуқнинг тарихигача биз учун азиздир, ҳар бирининг ўзига яраша ўтмиши, тарихда тутган ўрни бор.

Ўзбекистон тарихи бутун боқиси қадим бир халқнинг тарихидир. Тарих деганда шу ерда яшаб ўтган жамики аждодлар кечмиши кўз олдимизга келади. Тўғри, ҳудудимизда кечган давлатларнинг номлари турли даврларда турлича бўлган, масалан, Хоразм, Бақтрия, Суғдиёна, Парфия, Кушон...

Айни вақтда шуни ҳам айтиш керакки, айрим бир сулола ёхуд қавм тарихи бутун бошли бир халқ тарихига баробар бўла олмайди, улар нари борса, юз-юз эллик йиллик даврни қамрайди, холос. Халқ эса доимо бўлган, у шу юртда яшаб келган, шу жойда ариқ қазиган, кўприк қурган, бозори, мозори то ҳанузгача шу ердадир. Бу халқ оёғини узатиб Ойдан тушган эмас. Ёхуд у бирон-бир жойдан тўрвасини орқалаб келган эмас. Эҳтимол, унинг номи ундоқ ё бундоқ деб аталгандир, лекин у шу юртнинг эгаси бўлган!

Кўчманчилар, босқинчилар эса келиб-кетаверган...

Тарихга муносабат масаласида яна бир ҳодисани кўздан қочирмаслик керак, деб ўйлайман. Ҳар бир халқнинг минг йиллар давомида авлоддан авлодга ўтиб яшаб келаётган ва фақат шу халққа доир бўлган миллий хислатлари, мусиқаси бўлиши табиий, уларни бошқа халқ вакиллари тушунмаслиги, етарли баҳолай олмаслиги мумкин. Қолаверса, бу дунёда миллий туйғу, миллий манфаат деган гаплар ҳам бор. Тарих шундайки, ундаги ҳар бир шахсга ўнлаб нуқтадан туриб ёндошиш мумкин. Ҳали сиз айтган рус тарихчиси, ҳар қанча некбин бўлмасин, муқаррар дунёнинг ишларига қонига сингиб кетган миллий хусусиятдан келиб чиқиб ёндошади ва бу — табиий.

Биз муайян бир миллат манфаатларига мос келадиган қарашлар ўлчамидан халос бўлиб, фикрлаш нуқтаи назаридан эркинлик майдонларига чиқишимиз даркор.

Шундан келиб чиқиб қарасангиз, Президентимизнинг тарихга янгича муносабатни шакллантириш керак, деган гапида жуда чуқур маъно бор.

Ўтмишга назар солсак, неча ўнлаб бов уруғлар шу жойда яшаб келганлигига гувоҳ бўламиз, уларнинг жами эса халқдир. Шунинг учун ҳам, мен ўйлайманки, тарихни тиклаш жараёнида уруғларимиз, шаҳарларимиз, осори атиқалар, демакким, маданиятимиз кечмишини изчил ўрганиш лозим, шулар таркиб топган мозаикада муҳташам бир сарой янглиғ ўзбек халқи ҳақидаги яхлит тасаввур пайдо бўлади. Ўтмишнинг барча жиҳатлари бир бутун ҳолида кўз олдимизда намоён бўлади.

Президентимиз ўша суҳбатда: **«Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самаралари таъсирининг маҳсулидир»,** — дедилар, яъни эллар, элатлар, уларнинг урф-одатлари, маданияти бир жойда жам бўлиб, омухта бўлиб, илгари кетишида цивилизация яралади.

Ўзбекистон ҳудудида катта цивилизация даврлари ўтган экан, бунда, албатта, шу ерда яшаган барча миллат ва элатларнинг иштироки бор. Шу ўринда, айтиш керакки, адабиётда тарих билан боғлиқ ёритилиши зарур бўлган мавзулар жуда кўп. Тарихимизнинг кўпгина шонли зотлари ўз олимини, ёзувчисини, шоирини кутиб туришибди.

Қаранг, Темурийлар, Хоразмшоҳлар бутун бир дунёни ҳайратга солишган, давлатчилигимиз ўша даврлардаёқ кўл етмас юксакликка кўтарилган, лекин уларгача бўлган даврлар-чи? Бу даврлар ҳам бағоят ранг-баранг, бой ва муҳташам эмасми, ахир?!

Бу тарих, шубҳасиз, тилга киради ва бизни жуда кўп сир-синоатлардан, олис ўтмишдаги боболар жасоратидан, демак, ўзлигимиздан огоҳ этади ҳали.

(Давоми бор)

Суратлар муаллифи Абдулғани ЖУМА

(Боши ўтган сонда)

Ишлаб чиқариш ҳажми камайди

Литванинг қатор корхоналари август ойининг ўрталаридан бошлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартиришди. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлигининг озиқ-овқат бозорини бошқариш бўлими раҳбари Данюс Румскаснинг айтишига кўра, бу жараён Россиядаги молиявий-иқтисодий инқироз туфайли юз бермоқда. Бинобарин, Литва ўзи экспорт қиладиган маҳсулотнинг тўртдан бир қисмини Россияга жўнатар эди. Айниқса, ўз маҳсулотининг 80 фоизини ушбу мамлакатга экспорт қиладиган гўшт-сут саноати корхоналари оғир аҳволга тушиб қолишди. Ишлаб чиқариш ҳажми камайганлиги боис, ишчиларнинг кўп қисми маош тўланмайдиган мажбурий таътилларга чиқариб юборилмоқда. Румскаснинг айтишига кўра, транспорт ва қурилиш ташкилотлари катта зарар кўришмоқда. Автомобилларни сотишда ҳам қийинчиликлар туғилмоқда.

Банкротга учради

Токиодан келаётган хабарларга кўра, Японияниг Leasing Corporation корпорацияси ўзининг банкротга учраганлигини эълон қилди. У Японияниг «Узоқ муддатли кредитлар» банкининг бўлими бўлиб, корпорациянинг қарзи 16 миллиард доллардан ошиб кетди. Бу Япония иқтисодиётидаги иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг катта иқтисодий ҳалокатдир. «Узоқ муддатли кредитлар» банкининг ўзи эса мамлакатнинг йирик банкларидан бўлиб, у ҳам июнь ойида жуда катта қийинчиликка учраган эди. Чунки, унинг акциялари нархи кескин пасайганди. Бу банк «Сумитомо траст» банкига бир неча бор мурожаат қилиб, уларни тезда бирлашишга чақирган эди. Бироқ, бунинг фойдаси бўлмади. У фақат ҳукуматдан ёрдам кутишга мажбур бўлди. Муҳолифатдаги партиялар эса, бундай ғояга қарши чиқишди. Шу боис, ҳукумат банкка ёрдам бермасликка қарор қилди.

Ваҳҳобийликни қоралади

Чеченистон Республикаси Президенти Аслан Масхадов биринчи бор оммавий равишда ваҳҳобийликни қоралади. У диндорлар ва маҳаллий ҳокимият органлари вакилларининг съездида Саудия Арабистонидаги айрим кимсалар исломга ёт бўлган ғояларни сингдираётганлигини танқид остига олди. Ана шу ғоялар туфайли Афғонистон, Жазоир ва Тожикистонда миллий тотувликка путур етганлигини таъкидлаб ўтди. А. Масхадовнинг айтишига кўра, Чеченистондаги ушбу ҳаракатнинг раҳбари мамлакатнинг собиқ президенти Зелимхон Яндарбиевдир.

Болалар порнографияси

Нидерландия дунёдаги ривожланган мамлакатлардан бири саналади. Тараққиёт илдамлаган сари ҳар даврнинг ўз муаммоси пайдо бўлаверади. Бугунги Нидерландияда «Болалар порнографияси» шу қадар кенг ёйилдики, Адлия вазирлиги жиддий чора-тадбир кўришга мажбур бўлмоқда. Миллий прокуратура томонидан махсус гуруҳ ташкил этилди. Гуруҳ яширин ҳолатда беҳаё суратлар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланаётганларни тутишга киришди. Ҳатто Амстердам яқинидаги Зандфорт шаҳрида болалар порнографиясини тарқатувчи халқаро марказ борлиги аниқланди. Болаларда зўравонлик, шаҳвоний майл уйғотиш ҳақидаги минглаб, тасвирий тасмалар, ўсмирларни ахлоқсизликка, ёвузликка ундовчи турли суратлар тортиб олинди. Шуниси ташвишланарлики, компьютерда «фаҳш» суратлар яратгани ва болаларга тарқатилган ҳолатлар ҳаммани ташвишлантириб қўйди.

Адлия вазири Бенк Кортале болалар порнографиясига чек қўйиш мақсадида халқаро битим имзолашга чақирди. Дунё бўйлаб полициячилар болалар порнографиясига қарши кураш бошлади. Натижада жаҳондаги 12 та мамлакатда 40 та порнография билан шуғулланувчи ташкилот аъзолари қамоққа олинди. Бу яширин ташкилотлар жаҳон бўйлаб интернет тизими орқали минглаб нусхада шундай болалар порнографиясини тарқатиш билан шуғулланганлар.

Албатта, ташвишли ҳолат. Айниқса, болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиш ўта хавфли жиноят.

Қотилнинг дугонаси

Исроил Бош вазири Рабиннинг қотили Игаль Амирнинг дугонаси Маргалит Хар-Шефи ўзи билган маълумотни ҳокимиятга етказмаганлиги учун тўққиз ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Суд қарорига кўра, Хар-Шефи ўз дўсти Игаль Амир Рабинга қарши суиқасд уюштирмоқчи эканлигидан хабардор бўлган. Буни эса ўз вақтида ҳокимият вакилларига айтмаган. Амирнинг ўзи эса 1996 йили ҳибсга олиниб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 1 oktyabr, payshanba № 117 (23.354).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Пешқадамлик осон, сақлаш қийин

Спорт

Мухлислар ҳамиша пешқадамлар мавқеини зимдан кузатадилар. Ўзлари суйган жамоаларнинг юқори поғоналарни эгаллашларини орзу қиладилар. Зеро, халқ севган ўйин футбол дунёга келибдики, мухлису мутахассислар ҳамиша ана шу борада, яъни ўзларига дахлдор жамоаларнинг, ёқтирган футболчиларнинг нуфузи ва обрўси ҳақида қайғурадилар, баҳслашадилар. Шунга ўхшаш мамлакат миллий чемпионатида ҳам мана етти йилдирки, қайси жамоанинг чемпион бўлиши ҳақида ўйлаганимиз-ўйлаган.

Албатта, «Нефтчи» қаторасига чемпионликни бой бермай, гоҳида мамлакат кубогини ҳам қўлга киритиб, етарлича обрў ва эътибор топди. Хўш, муносиб тарих ва меросга эга бўлган пахтакорчилар ҳам ана шундай мартабага эришармиканлар. Аксарият ишқибозлар «Пахтакор»да бошқа жамоаларга қараганда ҳар жиҳатдан шарт-шароит етарли деб ўйлашади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Марказий ўйингоҳ шу жамоага қарашли бўлса, дам олиш ва машқлар ўтказиш учун мўлжалланган «қароргоҳ» ҳам жаҳон талабларига жавоб берса, яна нима керак. Зора, Бразилия футболининг нафаси юртимизда уфурса, деган маънода ўша тўп ўйини деганда ўзларини томдан ташлайдиган мамлакатдан мутахассисни таклиф қилиб, жамоага бош қилиб қўйилган бўлса. Буёғи фақат самара ва фақат самара бўлиши керак эмасми?

Албатта пахтакорчиларнинг бугунги мавқеи ва ўйинларидан сира қониқмаяпмиз, деган фикрдан йироқмиз. Гап шундаки, чемпионликни орзу қилиб пешқадамлик мавқеини эгаллаган жамоа ҳамиша бўлганидек, бошқалардан илгарилаб мухлисларни хотиржам қилиб қўйишди. Ўйинлар жадвалига назар соладиган бўлсак, «Пахтакор» мавсум охиригача ўз ўрнини бой бермайди деб, ким кафолат бера олади. «Нефтчи»нинг яна чемпион бўлиш хумори тутаётгани кўриниб турибдику. Ҳар бир учрашувни фарғоналиклар кўтаринки рухда ўтказиб, «Пахтакор» билан ораликни тобора камайтиришга уринишяпти. Тўғри, пахтакорчилар иккита кам ўйин ўтказишган. Бу янада ўнгланиб олиши учун нақд имконият. Барибир пахтакорчиларнинг ўша кечиктирилган «Сурхон» ҳамда «Дўстлик» жамоалари билан учрашувларида фақат ғалаба таъминланади деб, башорат қилиш ҳам қийинда. Ҳар қалай, мавсум якунланишига бир ойдан кўпроқ вақт қолди. Ўйлаймизки, айни отга қамчи босадиган давр. Сўнгги учрашувларда қайси жамоа нималарга қодирлигини намойиш этса, чемпионат якунида ҳам ўрни шунга яраша бўлади.

Энди 23-тур учрашувларда қайд қилинган натижалар билан танишинг. «Бухоро» — «Навбаҳор» (3:1), «Трактор» — «Пахтакор» (1:3), «Андижон» — «Насаф» (6:0), «Хоразм» — «Металлург» (2:0), «Сурхон» — «Зарафшон» (4:2), «Сўғдиёна» — «Косонсой» (2:1), «Нефтчи» — «Дўстлик» (4:0), «Темирйўлчи» — МҲСК (2:0).

Эзгуликка бахшида умр

Инсон хотираси азиз

Шаҳримизнинг қоқ ўртасидаги Оқтепа канали соҳили бўйлаб чўзилиб кетган Байналмилал кўчасидан ҳар гал ўтганимда кўча четида жойлашган муҳташам бино пештоқидаги ёзув диққатимни тортади: «Тоир Дадашев номидаги 128-мактаб». Ушбу лавҳага кўзим тушади-ю, хаёлга толаман: «Шундай табаррук масканга номи берилган бу бахтли, мўътабар инсон ким бўлди экан?»

Ана шу фикр оғушида юрган кезларимда Шукрулла исмли шоир билан танишиб қолдим. Тасодифни қарангки, бу истатурхони атрофида жамулжам бўлишди. Чеҳрасидан ақл заковат, барча хатти-ҳаракатларидан меҳрибонлик, таъсирчан мисоллар келтириб, тўлқинланиб тилга олди.

Ушбу ажойиб фазилатли инсонлар билан узоқ давом этган суҳбатимиз ниҳоясида Шукрулла ака мени Тоир отанинг ижодхонаси билан таништирдилар. Устоз узоқ тунларни бедор ўтказиб, бўлажак дарсларига тайёргарлик кўрган, эртанги ишларига режалар тузган ижодхонадаги турли-туман китоблар, маориф соҳасига оид беҳисоб хатлару ёзишмалар, хотиралар хона соҳибининг мушоҳада доираси нечоғлик кенг, серқирра бўлганлигидан далолат бериб турарди.

Тоир отага берилган бир қатор орден ва медалларга, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишонига, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонига оид ҳужжатлар, ўнлаб фахрий ёрлиқлар эса, ушбу заҳматкаш инсоннинг сидқидилдан қилган кўп йиллик хизматларининг ҳаққоний эътирофи эди.

Ҳа, инсондан ўта фидойиликни, ҳалолликни, садоқатни, инсонларга нисбатан улкан меҳр-муҳаббатни, пухта, серқирра билим ва тажрибани, эл-юрт дарди билан ёниб яшашни талаб қиладиган таълим соҳасида бундай ибратли фаолият йўлини босиб ўтиш, бундай муносиб иззат-ҳурматга, эътирофга сазовор бўлиш ҳар қандай таъзим ва таҳсинга лойиқдир.

Олтмиш тўрт йил ибратли умр кечирган устоз қабрини отанинг комил, иқтидорли фарзанди, ўзининг фарзандлик бурчини, падарига садоқатини, қатор шеърий рисолалардаги пурмаъно мисраларда ифодалаган Шукрулла ака билан бирга зиёрат қилар эканман, қабрга ўрнатилган Тоир ота бюсти пойидаги мисраларда унинг муҳрланган тўртлигини ўқийман:

Халқ учун бахш этдим бир умр жоним,
Маърифат йўлида кечди ҳар оним.
Яхшилик шиорин жойладим дилга,
Эл ичра қолсин, деб камтарин номим.

Юсуф МУҚИМБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

«Устозлар мадҳи» ўйланмаси

Азиз муштарийлар! Аввало қуйидаги мисолларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топинг. Сўнг шаклнинг айланаларидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, очқични ҳал этинг.

1. Алишер Навоий:
Ҳақ йўлида ким сенга
бир ҳарф ўргатмиш 2, 1, 8, 20 ила,
Айламак бўлмас адо
анинг ҳақин юз ганж ила.

2. Абдураҳмон Жомий:
Шундай эди доим
билим, тарозу,
Устоз таълимидан яшнади орзу.
Бир киши дедики: «Бунда не сир бор,
Отадан устозга таъзиминг 16, 7, 5, 15, 2,?»
Деди: у қоришди сув билан лойим,
Буниси жон дилим устирди доим.
Бундан танам бўлди жонимга 14, 17, 18, 16, 11,8,
Ундан абадийлик топди ушбу жон.

3. Абдулла Орипов:
Буюк Алишербек лутф этган мисол,
Савод ўргатдингиз қанча ранж билан.
12, 11, 9, 10, 1, 16 бўлармикан бу қарзни анҳол,
Узиб бўлармикан юзта ганж билан.

4. Ғафур Ғулом:
Маънавий ва руҳий камолот учун
Ота-онамиздек 14, 4, 13, 3, 1, 2, 1, 14 устод —
«Алифбе» ўргатган ўқитувчининг
Ҳурматини сақлагум абад-умрбод.

5. Шуҳрат:
Эй, менинг кўзимга кўҳна дунёни,
Минг марта яшартиб кўрсатган инсон.
Эй, менга одобу, меҳру ҳаёни,
Ҳамиша 4, 10, 4, 19, 10, 1, 16 сўз қотган инсон...
Олтин куз тонгида яна эсладим,
Сизни, эй, ақлимга нур қўйган устоз!
Ҳаётда ўзимни бахтли санардим,
Сиз чеккан заҳматни оқлолсам бир оз!

6. Носир Хисрав:
Кимки шогирдликка чин дилидан шод,
Бир куни ўзи ҳам бўлғуси 4, 5, 3, 11, 6.
Энди шаклнинг остки қисмидаги чизиқли айланмаларни очқичдаги ўрнини аниқланг ва шунга мувофиқ мос ҳарфлар билан алмаштириб ўйланмани ечинг. Ундан Марказий осиёлик мумтоз шоир, тарихчи ва мусиқашунос Камолиддин Биноий қаламига мансуб тўрт мисра ҳикматни билиб оласиз.



Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Андижон вилоятидаги «АСАКА ЁҒ» ҳиссадорлик жамиятининг мажлислар залида ҳиссадорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилиш 1998 йил 23 октябрь куни соат 16.00 да бошланади.

Бошқарув органи

«Сайр» *Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат*

«ОҚТОШДОН» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1998 йил 23 октябрь соат 10. 00 да «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг клубида «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Кун тартиби:

Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги № 361 қарорини бажариш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ҲУРМАТЛИ ЖАНОБЛАР!

Савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи шахслар диққатига!
Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси турли-туман озиқ-овқат маҳсулотларининг кузги савдосига
ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сотувда ранг-баранг қандолат маҳсулотлари (Германия), шиша идишлардаги 20 хил пиво (Чехия ва Словакия), «Смак» минерал суви ҳамда турли сиғимдаги «Смак» алкоголсиз ичимлиги (Россия).

НАРХЛАРИ БОЗОРНИКИДАН АРЗОН.
ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1. Телефонлар: 45-70-65, 45-74-62.

Янгийўл «АПКО Лаззат» акциядорлик жамияти

Ўз акциядорларига шуни маълум қиладики, 1998 йил 31 октябрь эрталаб соат 8.00да Янгийўл шаҳар маданият уйи биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлади. Акциядорларни рўйхатга олиш шу куни эрталаб соат 7.00да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 августдаги 361-сонли қарорини бажара бориб, жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш.
2. Жамият кузатув кенгашининг таркибини қайтадан кўриб чиқиш ва янги аъзоларни сайлаш.
3. Жамиятнинг Низом сармояси жамғармасини кўпайтириш ва шу муносабат билан низомга ўзгартириш киритиш.
4. Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 1998 йил 9 ойидаги якунлари тўғрисида раҳбариятнинг ҳисоботи.
5. Тафтиш комиссиясининг 1998 йил 9 ойлик якунлари тўғрисидаги ҳисоботи.

Кузатув кенгаши

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича қисқа муддатли ўқув курсларига таклиф қилади:

ўқув муддатлари бир ойдан 12 ойгача бўлган:
— БУҲГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, МЕНЕЖЕР, РЕФЕРЕНТ КОТИБ, ТАРЖИМОН-КОТИБ, ЭЛЕКТРОН ОФИС КОТИБИ, ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕР ОПЕРАТОРИ

ўқув муддати 3 ойдан 12 ойгача бўлган:
— ПРОГРАММА ТУЗУВЧИЛАР, СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ, ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР ҲАЙДОВЧИСИ («В» категория).

ўқув муддати 6 ойдан 12 ойгача бўлган:
— ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР ТАЪМИРИ БЎЙИЧА СЛЕСАР, ГАЗЭЛЕКТРПАЙВАНДЧИСИ, ЁҒОЧГА ИШЛОВ БЕРИШ УСКУНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ, ЭЛЕКТРМЕХАНИК, ЭЛЕКТРМОНТАЖЧИ, ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАРНИ ТУЗАТУВЧИЛАР, КИЙИМЛАРНИ ТИКИШ ВА БИЧИШ УСТАЛАРИ, УМУМИЙ ҚУРИЛИШ УСТАЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА САҚЛАШ УСКУНАЛАРИ ОПЕРАТОРЛАРИ МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Дарслар ихтисослашган кафедралар базасида ва институт етук мутахассислари томонидан олиб борилади. Вилоятлардан келган тингловчилар ётоқхона билан таъминланади. Ушбу курсларни муваффақиятли тугатганларга гувоҳномалар ва сертификатлар берилади.

Дарслар бошланиши гуруҳларнинг йиғилиши даражасига боғлиқ. Таклифлар душанбадан жумагача 9. 00 дан 16. 00 гача ва шанба куни 9. 00 дан 12. 00 гача қабул қилинади.

Бизнинг манзил: *Метронинг Ҳамид Олимжон бекати, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти (ТИКХММИИ) 11 у/к, 2-қават, 15-хона, «Маркетинг хизмати ва тадбиркорлик» бўлими.*
Телефон: 35-33-27, ички 304.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳамид ИКРОМОВ*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида. А—2 форматида. 20.122 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0397

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА